

## Зарр ибн Ҳубайшнинг мактуби



08:05 / 04.04.2020 3539

Сувайд Калбийдан ривоят қилинади: «Зарр ибн Ҳубайш Абдулмалик ибн Марвонга ваъз-насиҳат тўла мактуб ёзди. Мактубнинг охирида қуйидаги сўзлар бор эди: «Эй мўминларнинг амири! Бақувват, соғлом ва кучли бўлишинг ҳаётнинг узунлигига қизиқтириб қўямасин. Сен ўзингни яхшироқ биласан. Аввалгилар айтган сўзларни келтираман:

*Эркакларнинг болалари туғилса,*

*Қариликдан қаддилари эгилса,*

*Касалликлар ҳам одатга айланса,*

*Демак, бу пишай деб қолган мева!»*

Абдулмалик мактубни ўқиб, йиғлади, ҳатто кийимининг учлари ҳўл бўлиб кетди. Сўнгра: «Зарр тўғри айтибди. Янаям кўпроқ нарса ёзса, бундан ҳам яхши бўлар эди», деди».

**«Солиҳлар гулшани» китобидан**